

**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**ЙЎЛДА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

2023 йил «__» октябрь

Коди: _K3_K7Uz

Тошкент ш.

[illegible]

 GK 34	Йўлда техник хизмат кўрсатишни суғурта қилиш бўйича оммавий оферта	FK- K3_K7Uz Бетлар: 3 / 10 Сана: 05.10.2023й.
---	---	--

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ
Бош директори
Р.С.Азимов**

2023 йил «__» октябрь

ЙЎЛДА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ СУЎУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу Оммавий оферта (кейинги ўринларда – “Оферта”) “Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ (кейинги ўринларда – Суғурталовчи) томонидан ноаниқ юридик ва жисмоний шахслар доирасига (кейинги ўринларда Суғурта қилдирувчи) қуйидаги шартларда, Суғурталовчининг ахборот тизимлари орқали йўлда техник хизмат кўрсатишни суғурта қилиш тўғрисидаги шартномани (кейинги ўринларда – суғурта Шартномаси) тузиш тўғрисида қилинган таклифидир. Шартноманинг Томонлари Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчидир.

Ушбу Оферта шартларини қабул қилиш ва белгиланган суғурта мукофотини тўлаш унинг шартларини акцептлаш ва суғурта Шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчининг розилиги ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги тасдиқлангандан сўнг, унга электрон почта орқали суғурта полисининг электрон ҳужжати юборилади ва суғурта Шартномаси тузилган ҳисобланади.

Ушбу Офертанинг шартларига мувофиқ, Суғурталовчи билан суғурта шартномалари тузадиган ва суғурта бадалларини тўлайдиган юридик шахслар, меҳнатга лаёқатли жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Суғурта қилдирувчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларини сўзсиз қабул қилиш (акцептлаш) Оферта шартларини Қабул қилиш деб ҳисобланади, ва бу билан қуйидагиларга розилик билдирилади:

- ушбу Оферта шартлари, шу жумладан унда кўрсатилган суғурта қилиш шартлари;
- аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун, шу жумладан йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, эгасизлантириш, блокировка қилиш, йўқ қилиш (йўқ қилиш тўғрисида хабар бермасдан), автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган усулда ишлов бериш орқали 5 йил муддатга суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида, шунингдек суғурта Шартномасини бажариш мақсадида, ички иш юритишни учинчи шахсларга топшириш.

Суғурта қилдирувчи ўз ҳукуқи ва муомала лаёқатини тасдиқлайди, шунингдек Суғурталовчининг Интернет-ресурси орқали суғурта Шартномасини тузиш натижасида ўзига юклатилган мажбуриятлар учун жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини онлайн режимида тузиш учун Суғурта қилдирувчи электрон почта манзили ва мобил телефон рақамига эга бўлиши шарт.

Суғурталаш учун ариза бўлиб Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини тузиш учун зарур ва аҳамиятли бўлган барча маълумотларни киритиш ҳисобланади.

Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва суғурта Шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари хавфсизлигини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Кейинги ўринларда матнда келтирилган “Оферта”, “Суғурта шартномаси” ва “Суғурта полиси” ҳаволалари ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил маънога эга.

 UZBEKINVEST sug'urta kompaniyasi GK 34	Йўлда техник хизмат кўрсатишни суғурта қилиш бўйича оммавий оферта	FK- K3_K7Uz Бетлар: 4 / 10 Сана: 05.10.2023й.
---	---	--

1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. Умумий тушунчалар:

1.1.1. **Суғурталовчи** – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги SF 00006-сонли Лицензиясига асосан ўз суғурта фаолиятини олиб борувчи “Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ.

1.1.2. **Суғурта қилдирувчи** – ушбу Оферта шартларида Суғурталовчи билан суғурта Шартномасини тузган юридик ва жисмоний шахс.

1.1.3. **Суғурта шартномаси** - ёзма шартнома, унга кўра Суғурталовчи суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юзага келганда Ҳайдовчига техник ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади;

1.1.4. **Суғурта полиси** - суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ва суғурта мукофоти тўланганидан кейин Суғурта қилдирувчига бериладиган ҳужжат. Суғурта полиси Ҳайдовчи томонидан бошқариладиган транспорт воситасига ушбу транспорт воситаси учун тегишли суғурта мукофоти тўланган ҳолда берилади;

1.1.5. **Суғурта пули** - суғурта полисида белгиланадиган ва суғурта полиси бўйича Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи олдидаги Суғурталовчининг молиявий мажбуриятларининг максимал миқдорини ифодаловчи пул суммаси;

1.1.6. **Суғурта мукофоти** - Суғурта қилдирувчи суғурта полисида белгиланган тартибда ва муддатларда Суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта тўлови.

1.1.7. **Ҳайдовчи** - транспорт воситасидан қонуний асосда фойдаланувчи шахс (транспорт воситаси эгаси, мулкни ижарага бериш шартномаси ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига ишончнома ёки тегишли органнинг транспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги буйруғи бўлган шахс);

1.1.8. **Эксперт** – автотранспорт воситасининг тўхтаб қолиши ёки бузилиши сабабларини аниқлаш ва Ҳайдовчига зарур ёрдам кўрсатиш учун махсус билим, кўникма, асбоб-ускуналар ва воситаларга эга бўлган Суғурталовчи ходими ёки Суғурталовчи томонидан ваколат берилган бошқа шахс;

1.1.9. **Суғурталовчининг ёрдам хизмати** - юридик шахс бўлиб, Суғурталовчи номидан ва унинг топшириғига кўра иш юритади ва Техник ёрдам дастурида кўрсатилган воқеалар содир бўлганда Ҳайдовчига ёрдам беради. Ёрдам хизматининг диспетчерлик маркази кечаю кундуз ишлайди;

1.1.10. **Техник ёрдам дастури (ТЁД)** - муайян хизматларни ўз ичига олган дастур, унинг доирасида Ҳайдовчига йўлда содир бўлган транспорт воситасининг йўлда тўсатдан ва қутилмаган тарзда тўхташи ёки бузилиши натижасида техник ёрдам кўрсатилади;

1.1.11. **Хизмат кўрсатиш ҳудуди** - суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда, Суғурталовчи ТЁДда кўрсатилган хизматларни кўрсатиши шарт бўлган ҳудуд, яъни Тошкент шаҳри;

1.1.12. **Суғурта муддати** - суғурта полисида кўрсатилган муддат; унинг давомида ТЁДга киритилган хизматлар кўрсатилади.

1.2. Суғурта Шартномасини тузиш ва кучга кириш тартиби:

1.2.1. Ушбу Оферта Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига сотув ва суғурта хизматларини кўрсатиш шартларини белгилайдиган электрон ҳужжатдир;

1.2.2. Суғурта Шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этган маълумотлари асосида шакллантирилади;

1.2.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризанинг талаб қилинган майдонларини мустақил равишда ва аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг аслига мувофиқ равишда тўлдиради;

1.2.4. Суғурта қилдирувчи аризадаги ҳужжатларнинг аслига тўғри ва бир хиллиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек, аризадаги ҳужжатлар уларнинг асл нусхаларига тўғри келмаса, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан бош тортишга ҳақли эканлигига розилик билдиради;

 GK 34	Йўлда техник хизмат кўрсатишни суғурта қилиш бўйича оммавий оферта	FK- K3_K7Uz Бетлар: 5 / 10 Сана: 05.10.2023й.

1.2.5. Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик равишда суғурта Шартномаси (суғурта полиси)га киритилади;

1.2.6. Офертада таклиф қилинган суғурта шартлари билан рози бўлса, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва суғурта Шартномасини тузиш тўғрисидаги Аризани (кейинги ўринларда Ариза) онлайн режимда Суғурталовчининг ахборот тизимларидан фойдаланиш орқали тўлдиришга ўтади;

1.2.7. Аризани тўлдиришда суғурта ҳодисасининг содир бўлиш эҳтимоли ва унинг содир бўлишидан кўрилиши мумкин бўлган зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун Суғурталовчи учун аҳамиятли ва зарур бўлган барча маълумотларни кўрсатиш талаб қилинади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг асл нусхаларига қатъий мувофиқ равишда кўрсатилиши шарт;

1.2.8. Ариза тўлдирилганидан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан автоматик равишда “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачасига очилади;

1.2.9. Суғурта Шартномасининг томонлари Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта полиси олинганлиги суғурта Шартномаси (суғурта полиси)ни тегишли тарзда имзолаш ҳисобланишини тасдиқлайдилар;

1.2.10. Ушбу Офертани қабул қилиш ва суғурта Шартномасини тузиш санаси Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан Суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлаганлиги тасдиқланган сана ҳисобланади;

1.2.11. Суғурталовчининг мажбуриятлари (суғуртанинг бошланиши) суғурта мукофоти тўланганидан сўнг 5 (беш) кун ўтгач кучга киради ва тўланган давр учун амал қилади.

1.3. Суғурта Шартномаси (полиси) бўйича суғурта мукофотини тўлаш тартиби:

1.3.1. Суғурта шартномаси (полиси) бўйича суғурта мукофотини тўлаш Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган ахборот тизимларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади (онлайн);

1.3.2. Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинчалик йўналтириш учун аризани қабул қилишни тасдиқлаш Суғурта қилдирувчи томонидан аризани тўлдиришда кўрсатилган мобил телефон рақамига Суғурталовчи томонидан СМС-хабар юборилиши орқали амалга оширилади;

1.3.3. Тасдиқлаш коди бўлган СМС-хабарни олганидан сўнг, Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши керак, шундан сўнг у танланган тўлов тизимининг веб-сайтига суғурта мукофотининг ҳисобланган миқдорини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун автоматик равишда йўналтирилади;

1.3.4. Суғурта полиси бўйича суғурта мукофотининг тўланганлиги тўғрисидаги тасдиқни олгандан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими автоматик равишда суғурта полисини электрон шаклда расмийлаштиради, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига юборади, кейинчалик Суғурта қилдирувчини суғурта полиси серияси ва рақами тўғрисидаги ва суғурта полиси электрон тарзда юборилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган СМС-хабарни юбориш орқали хабардор қилади;

1.3.5. Суғурталовчи тўлов Провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўлов тизими ва Интернет орқали тўлов билан боғлиқ ҳар қандай зарар ва хавфлари учун жавобгар эмас.

1.3.6. Банк картаси орқали суғурта мукофотини тўлаш тўғридан-тўғри Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи - карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Суғурта қилдирувчи тўловни амалга ошириш учун банк картасини бошқа шахсга топширган тақдирда, Суғурта қилдирувчи унга боғлиқ барча хавфларни ўз зиммасига олади ва бу ҳолда суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилганлигига розилик билдиради.

 GK 34	Йўлда техник хизмат кўрсатишни суғурта қилиш бўйича оммавий оферта	FK- K3_K7Uz
		Бетлар: 6 / 10 Сана: 05.10.2023й.

1.3.7. Суғурталовчининг ахборот тизимидаги “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачасини босиш билан, шунингдек шаклланган суғурта мукофотини тўлаш орқали Оферта юборилган шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларига розилик билдиради.

1.4. Суғурта қилдирувчининг ташаббуси билан суғурта Шартномасини (суғурта полисини) муддатидан олдин бекор қилиш. Суғурта мукофотини қайтариш:

1.4.1. Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан сўнг суғурта ҳодисасининг содир бўлиш эҳтимоли йўқолган бўлса ва суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар туфайли суғурта хавфининг мавжудлиги тўхтатилган бўлса, у тузилган муддатдан олдин бекор қилинади.

1.4.2. 1.4.1-бандда кўрсатилган ҳолатлар туфайли суғурта Шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, Суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

1.4.3. Суғурта қилдирувчи, агар рад этиш пайтигача ушбу Офертанинг 1.4.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар туфайли суғурта ҳодисаси эҳтимоли йўқолмаса, суғурта Шартномасини бажаришни ҳар қандай вақтда рад этишга ҳақлидир. Шу билан бирга, Суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

1.4.4. Суғурта қилдирувчининг ташаббуси билан суғурта Шартномасини (Суғурта полисини) муддатидан олдин бекор қилиш Суғурталовчига бекор қилиш тўғрисидаги ёзма аризани юбориш орқали, кейинчалик томонлар суғурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида Келишувни имзолаган ҳолда амалга оширилади.

1.4.5. Суғурталовчининг ташаббуси билан суғурта Шартномасини (Суғурта полисини) муддатидан олдин бекор қилиш фақат қуйидаги ҳолларда бир томонлама амалга оширилади:

а) Суғурта қилдирувчи ёки Суғурталанган шахс томонидан режалаштирилган даволанишни амалга ошириш, тиббиёт муассасасига, Суғурталовчига нотўғри маълумотлар бериш ва ҳақиқатга мос келмайдиган ҳужжатларни тақдим этиш орқали қасддан суиистеъмол қилиш. Бундай ҳолда, Суғурталовчи ушбу ҳолатлар тасдиқланган тақдирда, Суғурта қилдирувчига/Суғурталанган шахсга ёзма равишда хабар бериш орқали суғурта Шартномасини бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир;

б) қонун ҳужжатларида ва суғурта Шартномасида назарда тутилган ва рухсат этилган ҳолларда.

СУГУРТАЛОВЧИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ: Тўлиқ номланиши:

“Ўзбекинвест” Экспорт-импорт суғуртаси компанияси” акциядорлик жамияти.

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100097, Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 6 уй. Электрон почта манзили (расмий Интернет-ресурс / электрон почта): www.uzbekinvest.uz
office@uzbekinvest.uz Давлат рўйхатига олиш тўғрисида маълумот:

Компания Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, реестр рақами 386.

Лицензия тўғрисида маълумот:

Лицензия: SF №00006 серияли, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2020 йил 11 декабрда берилган.

2-БЎЛИМ. СУГУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Суғурта ҳодисаси - суғурта муддати ва хизмат кўрсатиш ҳудудида ТЁД бўйича техник ёрдам талаб қиладиган транспорт воситасининг йўлда тўсатдан ва кутилмаган тарзда тўхташи, йўл транспорт ҳодисаси натижасида зарарланиши ёки ички бузилиши.

2.2. Қуйида кўрсатилган барча хизматлар суғурта муддати давомида 1 мартадан кўрсатилади:

 GK 34	Йўлда техник хизмат кўрсатишни суғурта қилиш бўйича оммавий оферта	FK- K3_K7Uz Бетлар: 7 / 10 Сана: 05.10.2023й.

- ЙТХ содир бўлганда хабарнома бланкасини (Европротокол) тўлдиришга кўмаклашиш;
- Транспорт воситасини эвакуация қилиш;
- Суғурта масалалари бўйича тўлиқ юридик маслаҳатлар доимий бериб бориш;
- Эҳтиёт қисмлар ва сарф материалларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни қопламасдан автомобил двигателини ишга тушириш.
- Транспорт воситаси (ТВ) ғилдиракларини алмаштириш ва/ёки таъмирлаш;
- ТВ давлат рақамларини ўғрилиқдан/йўқолишидан ва ЙТХ оқибатида яроқсиз ҳолга келганда уни расмийлаштириш ва/ёки таъмирлаш харажатларини суғурталаш.

3-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

- 3.1. Суғурталовчи эҳтиёт қисмлар ва сарф материалларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни қопламайди.
- 3.2. Агар ТЁДда бошқача қоида алоҳида назарда тутилган бўлмаса, хусусий уйнинг ҳовлисида ёки Ҳайдовчи яшайдиган кўп қаватли бино яқинида техник ёрдам хизматлари кўрсатилмайди.
- 3.3. Суғурталовчи ТЁДга киритилмаган хизматлар ташкил қилмайди ва харажатларини қопламайди.
- 3.4. Суғурталовчи Ҳайдовчига хизмат кўрсатиш ҳудудидан ташқарида ёрдам кўрсатишни ташкил қилмайди.

4-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи томонидан ахборот тизимида оммавий шаклда тақдим этилган маълумотлар учун жавобгар эмас.
- 4.2. Суғурталовчи ўз ваколатига кирмайдиган ҳодиса ва ҳолатлар натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар ва зарарлар, шунингдек учинчи шахсларнинг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги учун жавобгар эмас, яъни:
- Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончсизлиги, етарли эмаслиги ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ёки Суғурта қилдирувчи томонидан ушбу Офертанинг шартлари ёки ҳужжатларга бўлган талабларнинг бузилганлиги оқибатида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш имконсиз бўлса;
 - ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун (улардаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги);
 - алоқа линияларининг узилиши, Суғурта қилдирувчи ускунасининг ишламай қолиши сабабли Суғурталовчи томонидан расмийлаштиришнинг иложи йўқлиги учун.
- 4.3. Томонлар ушбу Оферта бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ва/ёки лозим даражада бажармаганликлари учун ушбу Оферта ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги томонидан белгиланган тартиб ва шартларда жавобгар бўлишади.
- 4.4. Томонлар энгиб бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) юзага келган тақдирда ушбу Оферта бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади.
- 4.5. Суд томонидан ушбу Офертанинг бирор қоидаси ҳақиқий эмас деб топилиши қолган қоидаларнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

5-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

- а) Суғурта қилдирувчидан ва Ҳайдовчидан суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;
- б) Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни, шунингдек уларнинг суғурта талаблари ва шартларига мувофиқлигини текшириш;
- д) Суғурталовчининг ёрдам берувчи хизматига мурожаат қилиш вақтида Транспорт воситаси хизмат кўрсатиш ҳудудидан ташқарида бўлса, хизматларни ташкил этиш ва тўлашдан

 GK 34	Йўлда техник хизмат кўрсатишни суғурта қилиш бўйича оммавий оферта	FK- K3_K7Uz Бетлар: 8 / 10 Сана: 05.10.2023й.

бош тортиш;

э) ушбу Офертанинг 3-бўлимида кўрсатилган асослар бўйича хизматлар кўрсатишни рад этиш. Хизматларни кўрсатишни рад этиш тўғрисидаги қарор автотранспорт воситаси бузилган ёки тўхтаган жойда эксперт томонидан қабул қилинади;

ф) Суғурта қилдирувчи ва Ҳайдовчи суғурта шартларига риоя қилмаса суғурта шартномасини бекор қилиш сабаблари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш;

г) Ҳайдовчи Суғурталовчининг ёрдам хизмати билан шартнома тузмаган ташкилот томонидан хизматлар кўрсатишни талаб қилса, унга хизмат кўрсатишни рад этиш.

5.2. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

а) суғурта мукофоти тўланганидан кейин уч кундан кечиктирмай Суғурта қилдирувчига ТЁД ва суғурта полисини топшириш;

б) суғурта ҳодисаси содир бўлганда, ушбу Офертада белгиланган тартибда ТЁДга мувофиқ хизматлар кўрсатиш;

д) Суғурталовчи ва Ҳайдовчи билан муносабатларда махфийликни таъминлаш.

5.3. Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчининг ҳуқуқлари:

а) ТЁДга мувофиқ хизматлар кўрсатишни талаб қилиш;

б) суғурта амал қилиш муддати давомида Суғурталовчидан суғурта полиси бўйича маслаҳат олиш;

д) Суғурталовчига ёзма ариза бериш орқали суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш.

5.4. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

а) суғурта мукофотини ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш;

б) Суғурталовчига суғурта шартномасини тузиш учун зарур бўлган ишончли маълумотларни, шунингдек, суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида Суғурталовчи томонидан сўралиши мумкин бўлган бошқа зарур маълумотларни тақдим этиш;

д) Суғурталовчидан олинган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш.

5.5. Ҳайдовчи қуйидагиларни бажариши керак:

а) техник ёрдам хизматларини кўрсатиш жараёнида экспертдан олинган кўрсатмаларга риоя қилиш ва транспорт воситасининг тўсатдан тўхташ жойи, бузилган ёки нотўғри ишлаши билан боғлиқ йўл ҳаракати қоидалари талабларига риоя қилиш;

б) суғурта ҳужжатларининг сақланиши ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларни бошқа шахсларга бермаслик.

Агар Ҳайдовчи суғурта шартномаси бўйича техник ёрдам хизматларини олиш учун суғурта полисини бошқа шахсга топширганлиги аниқланса, Суғурталовчи суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли. Суғурта қилдирувчи ёки Ҳайдовчи полисда кўрсатилмаган автотранспорт воситасига кўрсатилган хизматлар нархини қоплаши шарт.

д) техник ёрдам хизматларини тақдим этмаслик, тўлиқсиз ёки сифатсиз хизмат кўрсатиш ҳолатлари ҳақида Суғурталовчини хабардор қилиш.

6-БЎЛИМ. ТЕХНИК ЁРДАМ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

6.1. Агар техник ёрдам олиш зарур бўлса, Ҳайдовчи унга эксперт (Суғурталовчининг ваколатли ходими, бошқа юридик шахс, шу жумладан ассистанс ёки аджастер) юборилиши учун суғурта полисида кўрсатилган рақамга қўнғироқ қилиб, Суғурталовчининг ёрдам хизматининг диспетчерлик марказига мурожаат қилиши керак. Буни амалга оширишда қуйидаги маълумотлар тақдим этилиши керак:

- Ҳайдовчининг тўлиқ исми-шарифи;
- суғурта полисининг рақами ва серияси;
- транспорт воситасининг давлат рақами;
- транспорт воситасининг нотўғри ишлаши ёки бузилишининг қисқача тавсифи;
- транспорт воситаси ва Ҳайдовчининг жойлашган жойи (манзили, йўналиши);

 GK 34	Йўлда техник хизмат кўрсатишни суғурта қилиш бўйича оммавий оферта	FK- K3_K7Uz Бетлар: 9 / 10 Сана: 05.10.2023й.

- Ҳайдовчининг телефон рақами.

Техник ёрдам хизматлари суғурта полиси ва Ҳайдовчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан сўнг диспетчерлик маркази томонидан юборилган эксперт томонидан тақдим этилади.

6.2. Агар Ҳайдовчи экспертнинг кўрсатмалари ва тавсияларини бузса, шунингдек ТЁД томонидан кўзда тутилмаган хизматларни кўрсатиш талабларини олға сурса, эксперт хизматлар кўрсатишни тўхтатишга ҳақли. Шу билан бирга, Суғурталовчи ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туришга ёки ушбу Ҳайдовчи ва автомобилга нисбатан суғурта шартномасини бекор қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

6.3. Эксперт Ҳайдовчи томонидан асоссиз чақирилган тақдирда, Суғурта қилдирувчи ёки Ҳайдовчи Суғурталовчига ушбу чақиришнинг нархини қоплаш мажбуриятини олади.

Асоссиз чақириш:

- техник ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган чақириш;
- ёлғон чақириш (шу жумладан, суғурта полисида кўрсатилмаган автотранспорт воситаси учун чақириш, техник ёрдам хизматларига муҳтож бўлмаган транспорт воситасига жалб этиш, чақирилган жойда Ҳайдовчи ва транспорт воситасининг у кўрсатган манзилда йўқлиги ва бошқалар).

Агар Суғурта қилдирувчи ёки Ҳайдовчи Суғурталовчи тегишли ҳисоб-фактурани расмийлаштирган пайтдан эътиборан 3 (уч) кун ичида асоссиз чақириш учун тўловни тўламаса, Суғурталовчи суғурта шартномасини тўхтатиб туришга ҳақли. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати Суғурта қилдирувчи ёки Ҳайдовчи қарзни тўлаган пайтдан бошлаб янгиланади.

7-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАБ БЕРИШ ТАРТИБИ

7.1. Суғурталовчи суғурта полисида кўрсатилган суғурта пули доирасида Ҳайдовчига кўрсатилган хизматлар учун эксперт ҳисоб-фактураларини мустақил равишда тўлайди.

7.2. Суғурта товони Суғурталовчи томонидан суғурта ходисаси содир бўлганлиги тан олинган кундан бошлаб ва Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи Суғурталовчи талаб этган барча ҳужжатларни тақдим этганидан сўнг 15 (ўн беш) кун ичида тўлаб берилади.

7.3. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори Суғурта қилдирувчига суғурта товонини тўлашни сўраб мурожаат этгандан сўнг 15 (ўн беш) банк кунидан кечиктирмай хабар берилиши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

8-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

8.2. Ушбу Офертадан келиб чиқадиган барча тортишувлар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишувга эришилмаган тақдирда ҳал этилади.

	Йўлда техник хизмат кўрсатишни суғурта қилиш бўйича оммавий оферта	FK- K3_K7Uz
		Бетлар: 10 / 10 Сана: 05.10.2023й.

ҲУЖЖАТ ТАФТИШ ҚИЛИНГАНЛИГИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Киритилган сана	Узайтириш/ Қайта кўриб чиқиш/ Бекор қилиш	Маълумотни киритган шахснинг лавозими	Имзо	Ф.И.О.

Киритилди:

Суғурта услубиёти, суғуртада
инновацион фаолиятни ва
хизматларни ривожлантириш
департаменти катта менежери

Ф.Истамов

Келишилди:

Бош директорнинг биринчи ўринбосари

Р.Халиков

Бош директор ўринбосари

А.Асатуллаев

Стратегик ривожлантириш ва сифатни
бошқариш департаменти бош менежери

А.Абдуллаев

Юридик департамент етакчи юрисконсулти

М.Пиримов